



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 14 ноябрь, № 234 (8857)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ БИРГАЛИКДА АМАЛГА ОШИРИШГА ИНТИЛИШИ ҚАТЪИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12-13 ноябрь кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига кўра БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) тадбирларида қатнашиш учун Боку шаҳрида бўлди.



13 ноябрь куни «COP29» саммити доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида «яшил» энергияни ривожлантириш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайта тикланувчи энергия иқтисодий мақсад эмас, балки келажакка қўшилаётган ҳисса, келгуси авлодлар олдидаги масъулият туйғусининг натижаси эканлигини таъкидлади.

Лойиҳанинг экологик аҳамияти алоҳида қайд этилди. Узатиладиган энергия — бу шомол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тикланадиган ва тоза манба ҳисобланади ҳамда иқлимга таъсирни юмшатиш имконини беради.

Шу орқали томонлар Париж битими ва Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида иқлимни муҳофаза қилиш бўйича қўшма савий-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатларимиз қайта тикланувчи энергиянинг катта захираларига эга бўлиб, глобал энергетик ўзгаришларга салмоқли ҳисса қўшиши мумкинлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг муҳим жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтди.

«Яшил» энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган. Мамлакатимизда ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шомол электр станциялари ишга туширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил охиригача тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизимлари уланади.

2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гига-ваттлик энергия сақлаш тизимларини яратиш режалаштирилган.

Ишга туширилаётган лойиҳанинг иқтисодий самарасини барча ишти-

рокчилар ҳис этишига ишонч билдирилди.

Ун минглаб янги иш ўринлари яратилади, энергетика инфратузилмаси ривожланади, технологик ва ишбилармонлик алоқалари кенгайди. Энг муҳими, аҳоли турмуш даражаси ошади.

Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш, жумладан, қўшма корхона ташкил этиш, техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш ҳамда бошқа тартиб-таомилларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Яқинда Президентимиз Ўзбекистоннинг ушбу минтақавий лойиҳани бир-галикда амалга оширишга интилиши қатъий эканини тасдиқлади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисини БМТнинг Иқлим бўйича саммити (COP29) муваффақиятли ташкил этилгани билан самимий муборакбод этди.

Жорий йил август ойида олий даражада эришилган келишувлар доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлиги ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни жадал ривожлантириш йилида ҳамкорлик юксак даражага етгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, кишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва шаҳарсозлик ҳамда бошқа йўналишларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Лойиҳалар портфелини, шу жумладан, қўшма инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Фаол маданий-гуманитар ва худуд-

лараро алмашинуви давом эттириш, шунингдек, 2025 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида кенг қамровли тадбирлар дастурини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув доирасида Хонканди шаҳрида қўшма тикувчилик фабрикасини ишга тушириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Чехия Республикаси Бош вазири Петр Фиала билан учрашувида Ўзбекистон — Чехия муносабатларини янада ривожлантириш ва устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Чехия аънавий равишда мамлакатимизнинг Европадаги муҳим ҳамкори ҳисобланади. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 баробар, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 3 баробар кўпайди.

Хукуматлараро комиссия ишини фаоллаштириш, товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича «Йўл харитаси» ва аниқ лойиҳалардан иборат санаот кооперацияси дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг Греция Бош вазири Кириакос Мицотакис билан учрашувида икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва амалий алоқаларни ривожлантириш масалалари, аynиқса, сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий соҳалардаги муносабатлар муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш чораларини ишлаб чиқиш, фармацевтика, электротехника, кишлоқ ҳўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда кооперация лойиҳаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, маданий-гуманитар ва сайёҳлик йўналишларидаги алмашинувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Келгуси йилда сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги даврасини

Афинада ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилишини Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Глобал экологик фонд (ГЭФ) бош директори ва раиси Карлос Родригес билан учрашувида жамғарма билан Ўзбекистонда иқлим барқарорлиги ва экотизимларни муҳофаза қилиш борасидаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

ГЭФнинг мамлакатимизда биохилмахилликни асраш, табиий ресурсларни бошқариш, иқлим ўзгаришига мослашиш лойиҳаларини амалга оширишдаги муҳим ҳиссаси мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 100 миллион доллардан ошган.

Ҳаво сифатини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тармоқ яратиш, қўламазорлаштириш ва экотуризмни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, йўқолиб бораётган ҳайвон турларини асраш, шунингдек, Оролбўйи худудини қайта тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Келгуси йилда Ўзбекистонда йирик халқаро тадбирлар, жумладан, Глобал экологик фонд донорлари йиғилишини ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Бутунжаҳон иқлим саммитида (COP29) ташкил этилган Ўзбекистон Миллий павильони билан танишди.

Президентимизга павильоннинг гоёси ва унда ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Павильон Ўзбекистоннинг ноёб маданий мероси ҳамда экология ва иқлим масалаларига барқарор ёндашувларини намойиш этишга мўлжалланган. Унинг «Ички барқарорлик» деб номланган меъморий концепцияси инсоннинг табиат билан уйғунлигини ва оилавий қадриятларни ифодаловчи аънавий ўзбек ҳовлисига асосланган.

Сомонсувоқ ва ёғоч каби экологик, аънавий материаллардан фойдаланиб, азалдан ўзбек хонадонининг ажралмас қисми бўлмиш айвон ва сўридан илҳомланиб бунёд этилган павильон уйғун макон ҳосил қилади. Бир-галикда ушбу меъморий ечимлар қулай микроиқлимни таъминлайди, шинам муҳит яратади ва барқарор келажақ ҳақидаги ғамхўрликни акс эттиради.

Саммит кунларида бу ерда Оролбўйи минтақасининг ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этиш, «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда биохилмахилликни асрашга бағишланган 20 дан ортиқ қўшимча тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг Миллий павильонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши масалаларида амалий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

Ишчи гуруҳ йиғилишларини ўтказиш, шунингдек, ушбу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар билан олиб борилаётган музокаралар суръати мамнуният билан қайд этилди.

Миллий қонунчиликни ЖСТ меъёрлари ва қондаларига уйғунлаштириш, жумладан, экспорт субсидияларини бекор қилиш бўйича ишлар фаол олиб борилмақда.

Халқаро савдонинг тартибга солиш масалаларида ўзбекистонлик мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Музокараларни яқунлаш ва яқин йилларда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши бўйича савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев озарбайжонлик адабиётшунос ва шоир Акиф Багировни қабул қилди.

Акиф Азалп тахаллуси билан танил-

ган шоир Нахичеванда тугилган, аммо умрининг катта қисмини Ўзбекистонда яшаб ижод қилган. Озарбайжон халқини ўзбек адабий муҳити билан яқиндан танитишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. У қўллаб ўзбек шоирлари, адибларининг асарларини озарбайжон тилига ўғирган. Хусусан, яқинда Сирожиддин Саййиднинг «Вақт ҳайкали» китобини таржима қилган. Шоир халқимизнинг шонли тарихи ва Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ютуқларидан, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлардан илҳомланиб ёзилган «Ўзбек келаётир» қасидаси билан ҳам машҳурдир.

Учрашувда Акиф Багиров юксак ҳурмат ва миннатдорлик рамзи сифатида Президентимизга ўзи озарбайжон тилида тайёрлаган «Шавкат Мирзиёев феномени» китобини тақдим этди.

Китобдан сиёсатшунос Қудратилла Рафиковнинг «Менинг Президентим» ва «Миллатпарвар» китобларидан саралаб олиниб, шоир томонидан озарбайжон тилига таржима қилинган публицистик эсселар ўрин олган. У давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган асосий ислохот ва ўзгаришларга бағишланган. Унда Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатнинг асосий йўналишлари, жумладан, иқтисодий ривожланиш, инфратузилмани модернизация қилиш, ижтимоий соҳани яхшилаш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш масалалари ёритилган.

Президентимиз шоирга ўзбек адабиётини Озарбайжонда оммалаштириш ва икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи яқунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

МУНОСИБ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда «Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё қасаба уюшмалари нигоҳида» мавзuida халқаро конференция ўтказилди.

Конференция

Анжуманда етакчи экспертлар, қасаба уюшмалари бирлашмалари, давлат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Улар ижтимоий-иқтисодий сиёсат, муносиб меҳнат ва ижти-

моий шериклик билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилди. Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева қатнашди.

Сенат Раиси ўз нутқида замонавий стандартларга жавоб берадиган ижтимоий шартномани ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини кўтаришга ва муносиб меҳнат таъминлиги амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлади. Ижтимоий шартномаларни бажариш учун масъул бўлган институтларда олиб борилаётган ислохотлар аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Муносиб меҳнат ҳамда

ижтимоий адолат одамларнинг яшаш ва меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган шартномаларнинг ажралмас тамойилларига айланиши зарурлиги ҳам таъкидланди.

Конференция давомида шартномалар доирасида ижтимоий, иқтисодий ва глобал экологик муаммоларни ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилди.

Иштирокчилар бу масалалар иш бевуҷилар, ҳукуматлар ва парламентлар кун тартибиде асосий ўрин эгаллаш ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий масъулият соҳасида келгусидаги ҳамкорлик учун асос бўлиши керак, деган ягона тўхтамга келишди.

«Халқ сўзи».

Нуктаи назар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИ

Ўзбекистон бугун ўзининг очиқ ва изчил, аниқ ҳамда конструктив сиёсати билан дунёда обрў-эътибор, қадр топди. Мамлакатнинг инвестициялар ва бизнес учун жозибадорлиги, барча муаммолари масалаларни яқдиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишга интилиши, дунёнинг етакчи давлатлари ва ривожланаётган мамлакатлари билан мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар юритиши Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсий курснинг энг муҳим жиҳатларини ифодалайди. Бунда Ўзбекистон атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш асосий мақсад десак, янглишмаган бўламиз.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИ

Айнан мамлакатимиз жойлашган минтақадаги хавфсизлик барқарор ривожланишининг энг асосий шартидир. Ҳозир жаҳонда рўй бераётган, геосийёсий кескинлик кучайиши билан тавсифланаётган глобал ўзгаришларнинг салбий таъсири барча минтақалар, жумладан, Марказий Осиёда ҳам сезилмоқда. Бундан ташқари, Яқин Шарқ ва Европада кечаётган зиддиятлар халқро ҳақдорликка, хусусан, иқтисодий ва логистик алоқаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар биздан ҳақдорлик билан яшаш, жаҳоннинг турли ҳудудларида қайта бош кўтараётган хавфли баало офатларга нисбатан беҳарф бўлмасдан оғоҳ ва сергак яшашни тақозо этмоқда.

Файласуфлар “Инсоният ўтмишга қараб туриб келажак сари қадам ташлайди”, деган ҳикматни бежиз айтишмаган. Зеро, башариёт учун мазий сабоқлари, хулосалари муҳим. Урушлар келтирадиган жафолар, азоб-уқубатлар, айрилиқ ва хасталиклар, жароҳатлар, очлик ва йўқчиликлар тугайли бевақт ҳаётдан кўз юмганлар микдори одамни сабоқ чиқаришга ундайди. Халқимизда “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади”, деган нақл бор. Бундай “жанжал”лар минтақа миқёсида, қитъа миқёсида, бутун Ер юзиде юзага келтирадиган парокандаликни, инкирозни, бахтсизликларни тасаввур этишининг ўзи даҳшатли. Шу маънода, ҳар қандай қиргин-барот уруш аслида инсониятни тамаддун ривожидан анча орқага еритиб ташлайдиган, ҳеч қандай важ-қорсон билан ҳам оқлаб бўлмайдиган вускатдир.

Биз икки халқ учун икки давлат тарафдоримиз

Шу кунларда Фаластин ҳудудидаги ХАМАС ҳаракати ва Исроил армияси ўртасидаги қуролли тўқнашувлар авж олаётгани дунёни ташвишга солиб қўйди. Ҳазода давом этаётган қуролли тўқнашувлар оқибатида аёллар ва болалар қурбон бўлмоқда, одамлар бошпанасидан айрилмоқда, ўз уйларини ташлаб кетмоқда. Ўтган бир йилдан ортиқ вақт ичида 50 мингга яқин фаластинликларнинг ёстиғи қуриди. Шунинг 70 фоиздан кўпроги гўдаклар экани қалбларни ларзага келтирди.

Ўзбекистон бугун минтақа ва халқро майдондаги воқеаларга беҳарф эмас. Ваҳоланки, яқин пайтларгача биз бундай низоларга бу бизнинг ишимиз эмас, бизга тааллуқли муаммо эмас қабилида юзимишни тескари бурардик. Бугун вазият тамомила бошқача. Янги Ўзбекистон Президенти дунёда содир бўлаётган воқеаликларга даҳлдорлик билан муносабат билдирапти. Дунёда Ўзбекистонга тавсир кўрсатмайдиган бирор-бир майда масаланинг ўзи йўқлигини таъкидлаяпти. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ар-Риёдда бўлиб ўтган араб-ислом мамлакатлари саммитида сўзлаган нутқида ҳам Ўзбекистоннинг Яқин Шарққа оид позициясини очик баён қилди. Конструктив тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Бу билан Ўзбекистоннинг глобал сиёсий майдондаги роли ва ўрни ошиб бораётганини аққол ифода этди.

Давлатимиз раҳбари Фаластин ва Исроил муаммосига тўхталар экан, ҳар икки томонни зудлик билан гуманитар мақсадларда муросага келишга, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низоини тинч йўл билан ҳал этишга чақирди.

Муаммонинг ягона ва энг адолатли ечимини — низога **“икки халқ учун икки давлат”** тамойили асосида ечим топиш экани таъкидланди. Зўравонлик янада авж олаверса, бу халқро вазиятнинг кенг миқёсда издан чиқаришга, қуролли тўқнашувларга янги кучлар тортилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса Яқин Шарқ минтақаси билан чекланмай, узоқ ўлкаларга ҳам тарқалиб кетадиган, оқибатини башорат қилиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкин. Уруш занжир реакциясини келтириб чиқариб, ўз домига яқин-йироқ ҳудудларни тортиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Исроил ва Эрон ўртасида ўзаро рақаталар ёғдирилиши, бир-бирининг ҳудуди ўққа тутилиши, боз устига, Исроилнинг Ливан ҳудудида зарбалар бераётгани бунинг аққол исботидир. Шундай экан, Фаластин ва Исроил томонлари жанговар ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиши, тезда муро-

са йўлига ўтиши бутун дунё учун фойдало бўлади.

Бугунги кунда, Президентимиз таъбири билан айтганда, минг-минглаб бегуноҳ болалар, аёллар ва кексалар ўлимига сабаб бўлаётган бу вайронкор ва мудҳиш ҳужумлар инсоният янги тарихининг энг қора саҳифасига айланмоқда. Ижтимоий инфратузилма объектлари, мактаб ва шифохоналар, масжидлар, бутун бошли шаҳарлар йўқ қилиб ташланаётгани, миллионлаб тинч аҳоли бошпанасиз қолиб, очарчилик ва касалликларга маҳкум бўлаётганини изтиробсиз кузатиш мумкин эмас. Энг ёмонини, ҳаммамиз гувоҳ бўлаётганимиздек, ушбу фожиага нисбатан халқро майдонда икки хил стандартлар асосида ёндашилмоқда. Бу эса урушнинг кенг ёйилиб кетиши эҳтимолини кескин ошириб, халқро хавфсизликка жиддий рахна солмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг Фаластин муаммосига бағишланган саммитдаги нутқи бугунги кунда халқро ҳамжамият олдида турган энг долзарб ва мураккаб масалаларни кун тартибига қўтариб, глобал сиёсат нуктаи назаридан алоҳида аҳамият касб этди. Асосийси, Президент Шавкат Мирзиёев саммит иштирокчиларини узоқ кутилган тинчликка эришишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш орқали ушбу муаммо ечимини учун ҳамжихатлик ва сиёсий ирода кўрсатишга чақирди. Ўзбекистон дунёдаги ҳар қандай зиддиятни тинч, дипломатик воситалар орқали ҳал қилиш тарафдорини. Шу нуктаи назардан, мамлакатимиз Фаластин — Исроил муаммоси ечимида ҳам айнан шу ёндашувга асосланган барча амалий ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, низоини БМТ ва унинг тузилмалари иштирокисиз ҳал этиш мушкул. Шу боис Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Хавфсизлик Кенгашининг бу бўйича ўрни ва таъсирини тўдан ошириш ҳақида гапирди. Ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, хавфсиз гуманитар йўлақларни таъминлаш ва энг асосийси, тинчлик музокараларини бошлаш масалалари бу универсал халқро тузилманинг доимий эътиборисиз имконсиз саналади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқида Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамиятнинг низоларни тинч йўл билан ҳал этишга интилаётган фаол иштирокисиз сифатидаги позицияси ўз ифодасини топган. Унинг 1967 йлги чегаралар асосида мустақил қақирғу БМТ резолюцияларига мос келади ва бу ёндашувнинг қонунийлигини аңглатади.

Мақкур давлат узоқ йиллик мижаронинг ягона адолатли ва барқарор ечимидир. Гуманитар фожиа ва ҳалокатли ҳужумларни қоралаш Ўзбекистоннинг жаҳланганлар билан бирдамлигини ва гуманитар қадриятларга содиқлигини намоён қилиш таъдиди. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу позицияси унинг Фаластин инкирозини ҳал қилиш ва тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга стратегик ёндашувини кўрсатади. Бу ҳам Ўзбекистоннинг мулоқот ва ҳамкорлик орқали Яқин Шарқда барқарорлик ва тинчлиқни таъминлашга муҳим роль ўйнашга тайёрлигининг тасдиғидир.

Бағрикенг ўзбекнинг дилидаги гап

Ўзбекистон Президентининг урушда жаҳланган фаластинлик болалар ва аёлларни мамлакат шифохоналарида бепул даволашга тайёрлиги ҳақидаги ташаббуси алоҳида эътиборга молик. Ушбу ташаббус миллионлаб ислом олами аҳлини, айниқса, фаластинлик жаҳдийда оналар ва болалар қалбидеги умидни янада жонлантирган бўлса, ажабмас. Мана шу ташаббус орқали мамлакатимиз етакчиси Фаластин аҳлини сўзда эмас, амалда қўллаб-қувватлашни кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг илгари

Энг муҳими, Ўзбекистон Президентининг нутқида Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳимлиги таъкидланди, сиёсий мулоқот ва барча манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш зарурлигига эътибор қаратилди. Ўзбекистон етакчисининг баёноти фаластинликларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олувчи қўллаб-даватлар позициясини мустаҳкамлайди ҳамда халқро тамойилларга тўла мос келади. Ўзбекистоннинг икки давлат яратиш йўли билан мижарони ҳал қилиш бўйича Глобал альянсини ташкил этиш



сурган тақлифлари қўп миллатли ва бағрикенг Ўзбекистон халқи кўнглидаги гап бўлди.

Аслини олганда биз яшаётган минтақа халқлари дунёга доим тинчликни соғинувчи диёр сифатида танилиб келган. Халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги барчага яхши маълум. Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам оғир шароитларда юртимизга қўчирилган турли миллат вакилларига ҳеч иккиланмасдан қучоғини очган, толган нонини ўртада баҳам кўрган. Биз турли миллат ва конфессиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечирishi тарафдоримиз. Ўз навбатида, жаҳон ҳамжамиятини ҳам бу масалага безътибор бўлмасликка, ҳар қандай муаммони фақат ва фақат тинчлик йўли билан ҳал этишга чақирганмиз ва шундай бўлиб қолади ҳам. Бу тамойил янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам фаол позиция касб этмоқда. Буни бутун дунёда кат-

“Биз турли миллат ва конфессиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечирishi тарафдоримиз. Ўз навбатида, жаҳон ҳамжамиятини ҳам бу масалага безътибор бўлмасликка, ҳар қандай муаммони фақат ва фақат тинчлик йўли билан ҳал этишга чақирганмиз ва шундай бўлиб қолади ҳам. Бу тамойил янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам фаол позиция касб этмоқда.”

та ташвиш ва хавотир уйғотаётган масалаларга ва уларнинг тинчлик йўли билан ҳал қилинишига доир муносабатларимизда ҳам кўриш мумкин.

Араб-ислом давлатлари раҳбарларининг учрашувда Президентимиз Қуддуснинг ноёб тарихий ва маданий ёдгорликларини, жумладан, Ал-Ақсо масжидини асраб-авайлашга қўмаклашиш ташаббусини ҳам илгари сурди. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлар ва маданий меросини асраб-авайлаш борасидаги изчил интилишидан далолат беради.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Ар-Риёдда ўтган саммитдаги иштироки давлатимизнинг нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизлиқни таъминлаш масалаларига ҳам масъулиятли ва прагматик ёндашувини, балки унинг глобал майлдондаги ўрни ва роли ошиб бораётганини ҳам аққол намоён этди.

Тинчлик бўлмас экан, тараққиёт ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди

Шу ўринда Фаластин — Исроил мижароси тарихига назар ташласак. Унинг бошланиши 1947 йлга, аниқроғи, БМТ Бош Ассамблеяси тарихий Фаластин ерларини икки давлатга — араб ва яҳудийлар давлатига ажратиш, Қуддусга халқро бошқарувдаги мақом берилишини кўзда тутган қарор қабул қилган пайтга тўғри келади. Муаммони ечишга уринилмади дейиш нотўғри, албатта. Ўтган ўн йилликлар мобайнида музокараларнинг барча эҳтимолий шакллари синаб кўрилди, энг экзотик ташаббуслар илгари сурилди, бироқ тинчлик шартномаси имзоланмади.

1990 йилларда барқарорлаштириш тамойиллари келишиб олин-

ди: “икки халқ учун икки давлат” ва “тинчлик эвазига ерлар”, қолаверса, Фаластинда ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш. Сўнгра Исроилнинг Йордан дарёсининг Фарбий соҳилида яҳудийлар учун манзилгоҳларни қуришга киришиб кетгани тугайли тинчлик жараёни жойида депсиниб қолди, 2010 йилдан музокаралар деярли боши берк кўчага кирди. Фаластинликлар босиб олинган ҳудудларда яҳудийлар манзилгоҳлари қурилиши тўхтатилишини талаб қилган бўлса, Исроил дастлабки шартларсиз музокаралар бошлашнинг тақлиф этди. Шундан сўнг вазият янада чигаллашди.

Фаластин — Исроил мижаросини барқарорлаштиришнинг мураккаблиги унинг кўп қиррали эканлигида. Бу шўнчаки ҳудудий баҳс эмас. Бешта муҳим масала ечилиши лозим. Булар — чегаралар, Қуддус мақоми, Исроил хавфсизлигини таъминлаш, қочқолларнинг қайтиши, минтақа учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлган сув ресурсларини тақсимлаш муаммолари. Бу жиҳатларнинг барчаси ўқир ва ҳар икки томон учун оғриқли маззу. Ушбу пунктлардан бирортаси бўйича тушунмовчилик тинчлик қор топишини имконсиз қилиб қўяди. Низолар мунтазам “шамнинг пилиги”га ўхшаб қуйиб,

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь кун Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари араб-ислом саммитида қатнашди.

Давлатимиз раҳбари саммитда сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ муаммоси бўйича аниқ позициясини таъкидлади. Шунингдек, жаҳон ҳамжамиятини узоқ муддатли мижародан азият чекаётган Фаластин ва Ливан халқларини қўллаб-қувватлашга ҳамда минтақанинг бой тарихий, маданий меросини ва миллий қадриятларини асраб-авайлашга чақирди.

Халқро экспертлар мақкур саммит минбаридан Ўзбекистон етакчиси томонидан билдирилган расмий Тошкентнинг позицияси ва тақлифларини оқорди баҳоламоқда.

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети профессори (Испания):



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг навбатдан ташқари араб-ислом саммитидаги нутқи Ўзбекистоннинг мураккаб Фаластин — Исроил мижаросини тинч йўл билан ҳал этишга интилиши қатъий эканини намоён қилди. Унда халқро ҳамжамият томонидан ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш ва гуманитар йўлақларни очилиши қўллаб-қувватлаш муҳимлиги ҳақли равишда таъкидланди. Ўзбекистон раҳбарининг БМТ ва Хавфсизлик Кенгашига мижарони кескинлаштириш масаласига устувор аҳамият беришга қақирғу, шўбхасиз, ижобий ўзгаришларга умид бахш этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Фаластин халқи учун пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил давлат барпо этилишини қўллаб-қувватлаб, масалани адолатли ҳал қилиш йўлини чўқур аңглишини билдирди.

Қуддуснинг ноёб тарихий ва маданий ёдгорликларини, жумладан, Ал-Ақсо масжидини асраб-авайлашга қўмаклашиш ташаббуси ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлар ва маданий меросини асраб-авайлаш борасидаги изчил интилишидан далолат беради.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Ар-Риёдда ўтган саммитдаги иштироки бу давлатнинг нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизлиқни таъминлаш масалаларига масъулиятли ва прагматик ёндашувидан гувоҳлик беради.

Саммит яқиний резолюциясининг қабул қилиниши ва дипломатик йўлга содиқлиқнинг мустаҳкамланиши минтақа мамлакатлари ўртасида Яқин Шарқ муаммосига барқарор ва адолатли ечим излашда яқин ҳамкорлик қилиш учун шароит яратди.

Рой Энтони РОЖЕРС, Малая университети қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринбосари (Малайзия):



— Ўзбекистон Президентининг навбатдан ташқари араб-ислом саммитидаги нутқида Фаластин инкирозининг ўқир ва муҳим масалалари, уни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

Айниқса, у Ҳазо сектори ва Ливанда давом этаётган зўравонлик ҳамда инсонпарварлик ҳақида адолат ва тинчлиқни таъминлаш учун қатъий чоралар қўриш зарурлиги таъкидланди.

Шўбхасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқида Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамиятнинг низоларни тинч йўл билан ҳал этишга интилаётган фаол иштирокисиз сифатидаги позицияси ўз ифодасини топган. Унинг 1967 йлги чегаралар асосида мустақил Фаластин давлатини тузишга қақирғуви халқро резолюцияларга мос келади ва бу ёндашувнинг қонунийлигини аңглатади. Қолаверса, бу узоқ йиллик мижаронинг ягона адолатли ва барқарор ечимидир.

Гуманитар фожиа ва ҳалокатли ҳужумларни қоралаш Ўзбекистоннинг жаҳланганлар билан бирдамлиги ва гуманитар қадриятларга содиқлигини намоён қилиш таъдиди. Расмий Тошкентнинг ушбу позицияси унинг Фаластин инкирозини ҳал қилиш ва тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга стратегик ёндашувини аңглатади. Бу ҳам Ўзбекистоннинг мулоқот ва ҳамкорлик орқали Яқин Шарқда барқарорлик ва тинчлиқни таъминлашда муҳим роль ўйнашга тайёрлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг нутқида минтақада тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳимлиги таъкидланди, сиёсий мулоқот ва барча манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Суй ЧАН, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:



— Ўзбекистон раҳбарининг Фаластин муаммосига бағишланган саммитдаги маърузаси бугунги кунда халқро ҳамжамият олдида турган энг долзарб ва мураккаб масалаларни кун тартибига қўтариб, глобал сиёсат контекстида алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон етакчиси 2023 йилда Ар-Риёддаги

учрашудан буюн мижаро қўлами янада кенгайиб, минглаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлгани, ҳаётий муҳим инфратузилмани вайрон қилганини тўғри таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари ушбу мижарога халқро муносабатда намоён бўлаётган “икки томонлама стандартлар” вазиятини тинч йўл билан ҳал этишга бўлган умидларга пўтур етказишни ва глобал хавфсизликка рахна солаётганини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев саммит иштирокчиларини узоқ кутилган тинчликка эришишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш орқали ушбу муаммони ҳал этишда ҳамжихатлик ва сиёсий ирода кўрсатишга чақирди.

Холид Таймур АКРАМ, «Умумий келажак жамияти» таҳлил маркази ижрочи директори (Покистон):



— Ўзбекистон етакчиси ўзини узоқни кўра оладиган, Яқин Шарқда барқарорлик ва тинчлик муҳимлигини аққол тушунадиган раҳбар сифатида намоён этди. Расмий Тошкентнинг мижаронинг кескинлигини юмшатиш ва Фаластин — Исроил муаммосига дипломатик

ечим излаш борасидаги принципал ёндашувни юксак баҳога лойиқдир.

Фаластин халқининг 1967 йлги чегаралар доирасида пойтахти Шарқий Қуддусда бўлган мустақил давлат яратиш ҳуқуқининг Ўзбекистон томонидан эътироф этилигани алоҳида эътиборга молик. Бу қадим тарихий контекст ва Фаластин халқи дўч келаётган қийинчиликларни чўқур аңглиши кўрсатади. Икки давлат ечимини қўллаб-қувватлаш минтақада барқарор тинчликка эришишнинг ягона реал ва инсонпарвар йўлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Фаластин ва Ливаннинг азоб чекаётган аҳолисига эътибор қаратиб, урушда жаҳланганларга, шу жумладан, болалар ва аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишни тақлиф қилди. Ўзбекистон аниқ амалий ёрдам чораларини илгари суриб, нафақат сўз билан, балки амалда ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрлигини тасдиқлади. Давом этаётган мижаро шароитида бундай ташаббуслар инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун бебаҳодир.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Қўрғаз араб давлатлари — Марказий Осиё” саммитида Фаластин халқига ёрдам кўрсатишни муҳома қилиш тақлифи Ўзбекистоннинг Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизлиқни узоқ муддатли қўллаб-қувватлашга содиқлигини кўрсатади. Ушбу саммит минтақавий ҳамкорлик, Марказий Осиё ва Қўрғаз давлатлари ўртасида гуманитар ҳамда дипломатик ёрдам қўрсатишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун янги платформага айланиши мумкин.

Мухаммад ВАДИ, «Sada El-Balad» ахборот агентлиги бош муҳаррири (Миср):

— Саммитнинг асосий масалалари, хусусан, Фаластин — Исроил мижаросини тинч йўл билан ҳал этиш, Фаластин халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва Қуддусдаги қадимий обидларни асраб-авайлаш бўйича Ўзбекистоннинг позицияси ниҳоятда мутаносиб ва конструктивдир.

Ўзбекистон томонининг баёноти фаластинликларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олувчи қўллаб-даватларнинг позициясини мустаҳкамлайди ҳамда халқро таъминлаш ва ҳуқуқларга тўла мос келади. Икки давлат ечимини дунёнинг етакчи пойтахтларида қўллаб-қувватланганлиги бу позиция мижарони тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори эканини ақс эттиргани учун ижобий баҳоламоқда.

Ўзбекистоннинг икки давлат ечимини йўли билан мижарони ҳал қилиш бўйича Глобал альянсини ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашдаги иштироки ҳам эътиборга лойиқ.

Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаши — бу ҳамжихатлик ва сиёсий ёрдамдан далолат. Расмий Тошкентнинг урушда жаҳланган фаластинликларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ташаббуси ислом олами бирлигининг муҳим ишорасига айланди.

Ушбу зарурий ташаббуслар янги Ўзбекистон ролини қўчатиришга хизмат қилмоқда. Муқаддас зиёратгоҳларни авайлашга бўлган эътибор маданий-маънавий меросини асрашга интилаётган халқро ҳамжамият томонидан бир овоздан маъқуланмоқда. Бу ислом дунёси мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий меросини асраб-авайлаш миссиясини қўллаб-қувватлашда муҳим қадамдир.

«Дунё» АА.

АКАДЕМИК
ТЕМУРЖОН НОСИРОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир худойликка учради. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор Темуրжон Носиров 2024 йил 12 ноябрь куни 83 ёшида вафот этди.



Т. Носиров 1941 йил 25 июлда Тошкент вилояти-нинг Зангиота туманида ту-гилди. 1963 йилда Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни муҳандис-электрик мутахас-сислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини ушбу олийгоҳда ассистент сифатида бошлади. Кейинчалик институт аспирантурасида тахсил олиб, дастлаб ном-зодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзо-си этиб сайланди.

Т. Носиров ўзининг 60 йиллик илмий-педагогик фао-лияти давомида Тошкент давлат техника университе-тининг катта ўқитувчиси, доценти, кафедра мудири, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ҳузуридаги Энер-гетика маркази директори, Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтида бош илмий хо-дим каби масъулиятли лавозимларда самарали фаоли-ят кўрсатиб, эл-юртимизга сидқидидан хизмат қилди.

Таниқли олимнинг электр энергияси тизимларининг нормал ва авария ҳолатидаги режимларини комплекс таҳлил усулларини яратиш ва умумлаштириш бораси-даги илмий тадқиқот ишлари мамлакатимиз илмий жа-моатчилиги томонидан кенг эътироф этилган.

Т. Носировнинг электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш режимларини самарали бошқа-риш учун интеграллашган моделларни яратиш, саноат корхоналарида энергия сарфини ўрганиш ва тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш билан боғлиқ бир қатор илмий ишланмалари иқтисодиёт тар-моқларига муваффақиятли жорий этилган.

Заҳматкаш олимнинг 300 дан ортиқ илмий мақола-лари, 6 та монографиясида мамлакатимизнинг замо-навий энергетика тизимидаги ислохот ва модернiza-ция жараёнлари, соҳани ривожлантириш истиқболлари атрофида таҳлил этиб берилган.

Т. Носиров кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг раҳбарлигида 5 нафар фан докто-ри ва 10 нафардан ортиқ фан номзодлари тайёрланди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Темуրжон Носировнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Қ. АЛЛАЕВ

Стартап экотизимлар:
МУАММОЛАР, ИМКОНИАТ ВА
МУҲИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Пойтахтимиздаги “UEnter” инновацион марказида Марка-зий Осиё мамлакатлари стартап экотизимларининг асосий иштирокчиларини бирлаштирган Марказий Осиё форуми бўлиб ўтди.

Форум

Тадбир давомида минтака-нинг стартап экотизимини ри-вожлантириш хусусиятлари ҳамда муаммолари, жумладан, молиялаштириш имкониятлари, инновацияларни қўллаб-қувват-лашнинг зарурлиги ва давлат дастурларининг роли муҳокама қилинди.

Форумда стартап-индустрия-даги глобал тенденциялар ҳамда уларнинг Марказий Осиёга та-сири ҳам қўриб чиқилди. Стар-

тап-индустрияси етакчи ишти-рокчилари ва технологик компа-ниалардан спикерлар, жумладан, “Plug and Play”, “Samsung SDS”, “Maverick Nation” ҳамда “Gobi Partners”, шунингдек, БМТТД, “KOICA”, “USAID” каби халқаро ташкилотлар вакиллари жаҳон-даги сўнгги ютуқлар ва амалиёт-лар қандай қилиб минтақада стартап экотизимларининг ри-вожланишини тезлаштириши мумкинлиги ҳақида ўз қарашла-ри билан ўртоқлашди.

«Халқ сўзи».

«ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА –
ФАРОВОН КЕЛАЖАК, ИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Бугунги кунда бутун дунёда иқлим шароитининг ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, саноатнинг ривожланиши натижасида ёқилғи-энергия ва иссиқликка бўлган талаб ортмоқда.

Иқтисодий тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлатлар саноатлашгани сари, уларнинг ишончли электр энергия таъминотидан фойдаланиш даражаси ҳам ошиб бораверади. Чунки даромад манбаининг ошиши ўрта синфнинг ривожланиши ва натижада турмуш тарзининг яхшилланишига бевосита боғлиқ. Бундай шароитда электр энергиясига бўлган эҳтиёжни қондиришнинг самарали усули — мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш. Қуёш, шамол, сув ва бошқа табиат инъомларидан электр энергияси ишлаб чиқариш жаҳонда аллақачон оммалашиб бормоқда. Қайта тикланиш хусусиятига эга ушбу манбалар экологияга мутлақо зарарсиз экани билан ҳам инсоният учун қадрли.

Муносабат

Сўнгги йилларда мамлакатимиз-да энергетика соҳасини ислоҳ қилиш, энергия бозорини либерал-лаштириш, қайта тикланувчи энер-гия манбаларини ҳамда энергия те-жовчи технологияларни қўллашга қаратилган изчил ислохотлар амал-га оширилмоқда. Жумладан, ҳозир-да қайта тикланувчи энергия ман-баларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши қарийб 15 фоизни ташкил этади. 2030 йилга қадар Ўзбекис-тон қайта тикланувчи энергия ман-балари қувватини 27 гигаваттга етказиб, электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмини камида 40 фоизга олиб чиқишни мақсад қилган.

Ушбу вазифаларни амалга оши-риш учун эса салмоқли ишлар ба-жарилди. Масалан, “яшил” энерге-тикани жадал ривожлантириш бўйи-ча дастур қабул қилинган. Шунинг-дек, ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга



ташқирилмоқда. Бу йил охирига қадар турмоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 мегаваттлик энер-гия сақлаш тизимлари уланади.

Дарҳақиқат, юртимизда бугун ушбу соҳани ривожлантиришга жи-дий эътибор қаратилмоқда. “Яшил” энергетикадан самарали фойдала-ниш масаласи эса кун тартибига чиқди. Бу бежиз эмас. Чунки “яшил” энергетика — қазилма ёқилғи сар-часиз, атмосферага СО ва СО₂ газ-лари чиқармайдиган ва натижада атроф-муҳит экологиясига зийн ет-

казмаган ҳолда энергия таъмино-тини амалга оширадиган тузилма-дир. Бунда истеъмол талаби қуёш, шамол, сув, биомасса, водород энергетикаси каби мўқобил энер-гия манбалари аэвизига қопланади.

Эътиборлиси, бу — йилига 3 млрд. кубометр табиий газни иқтисод қилиш, яъни тежаш дега-ни. Бундай ҳажмдаги газ билан эса 1 миллион хонадонни бир йил да-вомида таъминлаш мумкин. Ёки шун-ча ҳажмдаги газ ёрдамида қўшимча 15 млрд. киловатт-соат электр энер-гияси ишлаб чиқарса бўлади. Бу эса Ўзбекистондаги аҳолининг 98 фои-зини йил давомида электр билан таъминлаш учун етарли.

Мамлакатимизда “яшил” энерге-тикага ўтиш иқтисодиёт учун нақа-дар аҳамиятли экани англланган ҳолда сўнгги йилларда ушбу маса-лага алоҳида эътибор қаратилаётир. Боиси бу маҳаллий ишлаб чиқарув-чилар учун тайёр бозор ва катта им-коният ҳам. Кейинги пайтларда бу борада қўллаб муҳим келишувларга эришилаётгани эътиборга молик. Хусусан, Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP29) доирасида Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Озарбай-жон ўртасида “яшил” энергияни ри-вожлантириш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги бит-ими имзоланди.

Агар ушбу лойиҳанинг экологик аҳамиятига эътибор қаратсак, узатиладиган энергия — бу шамол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тик-ланадиган ва тоза манба ҳисобла-нади ҳамда иқлимга таъсирини юм-шатиш имконини беради. Шу орқа-ли томонлар Париж битими ва Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида иқлимни муҳофаза

қилиш бўйича қўшма саъй-ҳаракат-ларни қўллаб-қувватламоқда.

Саммит давомида Президентимиз “яшил” энергетика улуши 40 фоизгача оширилиши, электро-мобил ва “яшил” водород кластер-лари, қуёш ва шамол генерация хабларининг яратилиши ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳа-си доирасида кўламаздор ҳудудлар кескин кўпайтирилишини қайд этди. Албатта, бу ташаббуслар эътибор-га молик. Бинобарин, “яшил” энер-гетикадан тўлалигича ва унумли фойдаланиш молиявий жиҳатдан ҳар бир хонадон аҳолисига даро-мад келтиради. Табиий ресурслар тежалади, атмосферага чиқарилаёт-ган заҳарли газлар сезиларли да-ражада камаяди ва асосийси, та-биятга етказилаётган зарар миқдо-ри пасаяди. Бу орқали авлодлари-миз учун “яшил” келахакни таъмин-лашга эришамиз.

Мамлакатимизда “яшил” энерге-тика, яъни қуёш ва шамол электр станциялари истиқболлари учун фаол равишда инвестициялар жалб қили-ниши, Давлат бюджетидан молия-лаштириш ишлари натижасида нис-батан арзон ва экологияга зарарсиз қўшимча энергия манбалари ярати-лади. Бу орқали энергия истеъмоли-даги умумий юкламанинг аста-секин мўқобил энергия манбалари ҳисоби-га нормаллашиб боришига эришилади.

Президентимиз томонидан шу йил 7 август куни имзоланган “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадор-лигини ошириш тўғрисида”ги Қонун ҳам бевосита ушбу мақсадларга қаратилган бўлиб, у давлат ва ху-сусий секторда энергия самарадор-лигини оширишга имкон яратяди. Мазкур ҳужжат энергия тежашга

йўналтирилган янги технологиялар-ни жорий қилиш, иқтисодий сама-радорликни ошириш ва экологик зарарларни камайтириш йўлидаги муҳим қадамдир. Унинг асосий мақ-сади — энергия ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик асосида фойдаланиш тизимини яратиш.

Айтиш керакки, ушбу қонун энер-гетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, соҳага хорижий ва хусусий инве-стициялар йўналтирилиши кўпайти-риш, нарх шаклланишининг эркин ва шаффоф механизмларини жо-рий этишга асосланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил қилишда му-ҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжатда энергетика хавфсизли-гини таъминлаш, энергияни тежаш ҳамда самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш тартиб-тамоийилари, электр ва ис-сиқлик энергияси, ёқилғи ва ноън-анавий энергия ресурсларидан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда иж-тимоий соҳада тежамли ва самара-ли фойдаланиш вазифалари ҳамда қоидалари ҳам белгилаб берилди.

Мазкур қонун билан нафақат энергия сарфини қисқартириш, балки экологик ҳолатни яхшилаш ва мамлакатда иқтисодий барқарор-ликни таъминлаш мақсади борлиги ҳам эътиборга молик. Шу маънода, ушбу ҳужжат энергия ресурслари харажатларини янада оптимал-лаштиришга хизмат қилиши баро-бариди, энергия истеъмоли сама-радорлиги тизимли мониторингини амалга ошириш учун ҳуқуқий пой-девор яратяди.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Фотокўргазма

«Ўзбекистон —
бағрикенг диёр»

“Бағрикенглик ҳафталиги” доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида “Ўзбекистон — бағрикенг диёр” номли фотокўргазма ташкил этилди.



«Халқ сўзи».

Мазкур кўргазмада 60 дан ортиқ фотоасарлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган бўлиб, уларда Ўзбекистонда мавжуд йилриқ диний конфессиялар раҳбарларининг ўзаро дўстона алоқаларини, мамлакатимиздаги турли диний ташкилотлар, ибодатхоналар, уларнинг эмин-эркин фаолиятини, байрам ва тантаналар, диний урф-одатларни намойиш этувчи фотосуратлар жамланган. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар томошабинлар диққатига ҳавола қилинаётган фотоасарларда юртимизда ҳукм сураётган миллатларро тотувлик ва диний бағрикенглик акс эттирилгани ҳақида таъкидлашди.

Санъат

«Буюк Ипак йўли
бўйлаб саёҳат»

Кинематография агентлиги буюртмасига биноан “Астир” анимация студияси томонидан “Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат” номли мультфильм яратилмоқда.



Анимация кўҳна Хива шаҳрининг тарихига бағишланган бўлиб, бош қаҳрамонлар Хива бўйлаб саёҳатга чиқишади. Сюжетда “Хива” номи қандай келиб чиққани, муҳити ва қадимийлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мультфильм Хива шаҳри тарихидан бошланган бўлса, кейинги қисмларида Амир Темур, Ибн Сино, Искандар Зулқарнайн сиймолари билан боғланади. Бактрия, Сугдиёна каби қадимий ҳудудларга саёҳатлар, афсонавий Буюк Ипак йўли ўтган Хитой, Ҳиндистондаги “Тож Маҳал” обидасигага кўрсатилади. Фильм қаҳрамонлари Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” юлдузлар жадвали орқали коинотга ҳам саёҳат қилишади.

«Халқ сўзи».

Қишлоқ хўжалиги кооперативи:

ЭРКИН БОЗОРГА ЧИҚИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Шу йил 8 ноябрь куни Президентимиз томонидан “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ўртасидаги кооператив муносабатларни йўлга қўйиш, ўз маҳсулотларини эркин бозорга чиқаришнинг замонавий ҳуқуқий асосини яратиб беришга қаратилган.

Янги қонун

Аёнки, аграр соҳани ривожланти-риш устувор йўналишлардан сана-лади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда озиқ-овқат хавф-сизлигини таъминлаш, қулай агро-бизнес муҳитини яратиш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини тақомиллашти-риш ҳамда маҳсулот етиштирувчи-ларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг соҳа-га оид Фармон ва қарорлари асо-сида ушбу йўналишда комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалиётга жорий этилаётгани эъти-борга молик. Жумладан, қишлоқ хўжалигининг барча тармоғида тўлиқ бозор механизмига асос-ланган янгича тизим яратилиб, эр-кин рақобат муҳити шакллантирил-ди. Қулай агробизнес шароитида 800 дан ортиқ агросаноат кластер-лари, 90,7 мингдан кўп фермер хўжаликлари ҳамда 190 дан зиёд кооперативлар самарали фаолият олиб бормоқда. Янги деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил эти-лаётгани натижасида эса 2 милли-ондан кўп доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Шу ўринда “Қишлоқ хўжалиги ко-оперативи нима? Ушбу фаолиятнинг асосий турлари нималардан иборат?” деган саволлар турғилиши мумкин. Қонунда қайд этилишича, қишлоқ хўжалиги кооперативи — қишлоқ хўжалиги фаолиятини амал-га ошириш учун пай усулига, жис-моний ва (ёки) юридик шахслар-нинг ихтиёрий равишда бирлаши-шига асосланган мустақил тижорат ташкилоти ҳисобланади. Ушбу фаолиятнинг асосий тури қишлоқ хўжалиги соҳасида хизматлар кўрсатишдан иборат.

Мазкур ҳужжатда қишлоқ хўжа-лиги кооперативларини очиш, ко-оператив аъзолигига қабул, назорат қилиш, ташқи аудит, бошқариш, қайта ташкил этиш ва тутғитишнинг

аниқ тартиблари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари то-монидан маҳсулотлар ишлаб чиқа-риш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиш йўналишлари-да ўзаро кооператив муносабатла-рини жорий қилишнинг тўлиқ ме-ханизмлари акс эттирилди.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, бир қатор янги ва муҳим нормалар ҳам ўз аксини топди. Жумладан, ко-оператив аъзолигига кириш ва ун-дан чиқишнинг ихтиёрийлиги, аъзо-лар ўртасида даромад (фойда)ни уларнинг пайларига мувофиқ мута-носиб равишда тақсимлаш, уста-вида назарда тутилган тартибда унинг иши устидан кооператив аъзо-ларининг назорат қилиши асосий принциплар этиб белгиланди.

Қонунга мувофиқ профессионал бошқариладиган қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш учун жисмоний ёки юридик шахслар мақомидаги аъзоларнинг энг кам сони етти на-фардан иборат бўлади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини вертикал етказиб бериш занжирларини яратиш учун қўшма кооператив ка-мида учта қишлоқ хўжалиги коопе-ративи томонидан тузилади. Ҳуж-жатда мустаҳкамлаб қўйилган маз-кур нормалар кооперативнинг яна-да ривожланишига хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, қишлоқ хўжалиги кооперативларига кластер корхоналари каби бошқа турдаги субъектлар озчилик аъзолар сифа-тида қўшилиши мумкин. Ушбу янги норма маҳсулотни қайта ишлаш, сотиш ва экспорт қилиш бўйича му-ваффақиятли агробизнеснинг асоси-ни яратиш имконини беради.

Эндиликда қонунда кооператив-ларнинг самарали фаолияти ва ри-вожланиши учун амалий чоралар-ни кўриш ва қулай шарт-шароит-лар яратиш ўз аксини топди. Улар фаолиятини рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи мақсадли дас-турларни ишлаб чиқиш, банк кре-дитлари ва бошқа молиявий ресурс-лардан фойдаланишда коопера-тивларга кўмаклашиш давлатнинг кооперативларга нисбатан асосий вазифалари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжа-лиги кооперативи бошқарув органла-рининг аниқ вазифалари, ваколат-лари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ба-тафсил ёритиб берилди. Бу борада кооператив манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ваколатхоналар ва фи-лиалларни очиш, уларнинг ҳуқуқла-рини Ўзбекистон Республикаси ҳуду-дида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш, заҳира жамғармасининг маб-лағларини банкларда ва кредит таш-килотларига жойлаштириш (депозит) бўйича нормалар белгиланди.

Амалиётда ўзаро номувозифик-ларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги кооперативи аъзолигига кириш ва чиқиш, улар-нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аъзо-лар ҳисобини юритиш, пай бадал-ларини тўлаш, мажбурий ва қўшим-ча пай бадаллари билан боғлиқ нормалар аниқ баён этилди. Фао-лиятнинг очик ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги кооперативи ҳолати ва фаолиятини аудитдан ўтказиш шартлари қўзда тутилди. Бунда ички ва ташқи аудитдан ўтказиш

шартлари, кооператив ўзининг мо-лиявий-иқтисодий ҳолатини аниқ-лашни ташкил қилиш учун мажбу-рий аудит текширувдан ўтказили-ши, аудитори нафақат молиявий-иқтисодий ҳолатни аниқлаши, бал-ки фаолиятда учраётган муаммо-ларни таҳлил қилган ҳолда масла-хат хизмати қўрсатиши қонун би-лан мустаҳкамланди. Қишлоқ хўжа-лиги кооперативига унинг хизмат-ларидан манфаатдор бўлмаган, ле-кин дивидендлар тўлаш ҳисоби-дан кооперативини молиялашти-ришни қўллаб-қувватлаш ниятида бўлган инвестиция киритувчи аъзо-нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ушбу ҳужжатда ўз аксини топди.

Эътиборлиси, қонунни ишлаб чи-қиш ва уни маромига етказишда қишлоқ хўжалиги соҳасида илгор ва ривожланган давлатлар тажрибала-ри, замонавий корпоратив бошқа-рув усуллари, ютуқлари ҳамда қонун-чилиги чуқур таҳлил қилинди. Бу эса қонунни қўллашда халқаро умум-эътироф этилган меъёrlарга мос-лиги ва энг яхши тажрибаларнинг жорий қилинишини таъминлайди.

Расмий имзоланган кундан эъти-боран уч ой ўтган кунга қирадиган мазкур қонун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида замонавий ко-оператив муносабатларни тартиб-га солиш, соҳада бозор механизм-ларини жорий этиш, эркин рақо-бат муҳитини шакллантириш, мав-жуд табиий ресурслардан тўғри фойдаланишга хизмат қилади.

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ

фан, ўқув ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлашувида муҳим аҳамиятга эга

Таълим шахс иқтидорини рўёбга чиқаришда асосий воситадир. АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Финляндия ва Германия каби ривожланган давлатларда бу англаб етилганига анча бўлди. Шу сабабли ушбу мамлакатларда таълим тизими учун ажратилган маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ва бундай эътибор натижаси ўлароқ таълим савияси ва стандартлари тобора ривожланмоқда.



ларни ҳал қилиш учун эса биллими, масъулиятли ва инновацион фикрловчи шахслар керак. Шу маънода, таълим бу жараён-да ҳам фаоллик кўрсатади.

Шунинг учун ҳам таълим ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг келажаги учун муҳим асос ҳисобланади. Унга сарфланадиган сармоя, бу — келажак учун қилинган энг катта заҳира.

Мамлакатимиз Президентининг таълим-тарбия соҳаси вакиллари билан мулоқоти чоғида таълим тизимидаги тараққиётни жадаллаштириш мақсадида мактабгача, умумий ўрта таълим, олий таълим ва малака ошириш тизимида ягона узвий занжирни йўлга қўйиш учун педагогик таълим кластерларини ташкил қилиш тўғрисида кўрсатма берилди. Бу педагогик таълим сифатини ошириш билан бир қаторда тизимни замонавийлаштиришга ҳам ёрдам бериши мукаррардир.

Айни чоғда педагогик таълим кластери ҳали шаклланиш босқичида бўлса-да, унинг методологик асослари охириг беш йил давомида яратила бошланди. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, педагогик таълим стандартлари замонавий талабларга мослаштирилмоқда. Бунда таълим жараёнини рақамлаштириш, интерфаол усуллари жорий этиш ва таълимни бозор талабларига мослаштириш назарда тутилди:

— педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг сифати яхшиланмоқда, замонавий таълим технологияларини ўргатишга урғу қаратилди;

— педагогик таълим йўналишларида ўқитиш сифатини ошириш, замонавий лабораториялар ва ресурс марказларини яратишга алоҳида эътибор берилди;

— олий таълим ҳамда профессионал таълим ташкилотлари билан умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожлантирилади. Бу билан таълим стандартларини бirlaштириш, ўқув материалларини алмаштириш ва ўқитувчиларни қайта тайёрлашга имконият яратилди;

— таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик кучайтирилади. Натижада ўқув жараёнини иш берувчиларнинг эҳтиёжига мослаштириш, талабаларнинг амалиёт ўташини

ташкил этиш ва ишга жойлаштиш имкониятларини кенгайтиришга потенциал шарт-шароитлар яратилди;

— тизимга электрон ўқув материаллари ва платформалар жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўқиш имкониятларини кенгайтириш ва таълим ресурсларига қўлайлик яратишга ёрдам берди;

— масофавий онлайн таълим бериш тизими йўлга қўйилди. Албатта, бу мазкур жараёни замонавийлаштириш, масофавий ўқув имкониятларини кенгайтириш ва таълимга бўлган қизиқишни ошириш имконини берди;

— соҳадаги илмий тадқиқотлар рағбатлантирилмоқда. Ушбу жараён таълим тизимини ривожлантиришга ёрдам берадиган янги гоғлар ва технологияларни жорий этишга йўл очади.

Етук кадрларни тайёрлаш — устувор вазифа

Таълим жамиятимиз, миллатимиз ва давлатимизнинг келажagini белгилаб берадиган, унинг тараққиётини таъминлайдиган асосий омил бўлиб хизмат қилиши амалий ифодаланмоқда. Жамият ривожланишининг чуқур ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлари рўй бераётган бугунги кунда янги технологияларнинг пайдо бўлиши рақобатбардошликка бўлган талабнинг кучайишига олиб келди.

Аммо дунё миқёсида рўй бераётган кескин ўзгаришлар, глобаллашув натижасида ҳар бир соҳада вужудга келаётган оғирлиқ нукталарнинг тўғри ечимини топишнинг ўзи катта муаммо бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, таълим тизимидаги мавжуд камчиликлар ҳам дунё ҳамжамияти томонидан ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалардан биридир.

Демак, дунёда иқтисодиётнинг янги, замонавий йўналишлари пайдо бўлаётган экан, Ўзбекистонда ҳам замон талабларига жавоб берадиган етук кадрларни тайёрлаш устувор вазифага айланди. Яъни таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш ҳаётий заруратга кўчди. Шу жиҳатдан, 2019 йил 8 октябрдаги Президент Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тас-

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш ўринлари билан таъминлаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш устувор мақсадга айланди. Бу эса янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва унинг Ренессансга мустақкам замин яратиш борасида олий таълим тизимида ҳам шиддатли ислохотлар ривожланишининг янги босқичига кўтарилаётганидан далолат беради.

диклангани ҳамда 2024 йил 16 октябрдаги “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилингани айни муддао бўлди.

Ушбу ҳужжатлар олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фан, ўқув ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам интеграциясини таъминлаш асосида унинг сифатини яхшилаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Хусусан, концепция мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳа оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Масалан, бундан бир неча йил аввал олий таълим тизимида технопаркларнинг яратилиши ҳақида тасаввуримиз йўқ эди. Ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртиларига ҳавас қилиб, қани энди бизда ҳам шундай имкониятлар бўлса, деб ўйлардик. Бугун эса ҳар қадамда курилайтган технопарклар юртимиз тараққиётига хизмат қилимоқда. Бундай паркларда ишлаётган ёшларимиз билимини ошириш билан бирга даромад ҳам топмоқда. Илм бўлмаса, ривожланиш ҳам бўлмайди, деганларидек, кейинги саккиз йилда мамлакатимизда барча ислохот мана шу қатъий тамойил асосида кечди. Давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновациялар ривожини энг устувор масала сифатида кун тартибига қўяётгани ҳам шундан. Бугун юртимиздаги бизнес-инкубаторлар, акселератор ва коворкинг ўқув курслари, IT марказлар мана шу мақсадга қаратилгани билан диққатга сазовор. Илм-фан ва инновациялар янги Ўзбекистон тараққиётда стратегик аҳамиятга эга устувор соҳага айланди. Унга муносабат буткул ўзгарди. Олий таълим тизимининг вазифаси фақат ўқитишдан иборат эмас, деган гоғ шаклланди. Тизим изчил илмий фаолият олиб борапти, ёшларни илмий тадқиқотларга жалб қилиб, йирик лойҳаларни амалга оширишга одатланмоқда.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Анжидон давлат педагогика институти ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

ТУРКИЯЛИК ОЛИМ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБИ

Аждодларимиз умумбашарий маданият ва цивилизация тараққиётига нақадар улкан ҳисса қўшгани ҳаммамизга яхши маълум. Улар орасида шундай бир улғу зот борки, у ўзининг бебаҳо адабий, илмий асарлари, уларда илгари сурган сермазмун гоғлари билан асрлар оша яшаб, тафаккур ва кўнгил боғларини яшатиб келмоқда. Бу, албатта, улғу шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийдир.

Ифтихор



Унинг авлодларга қолдирган мислсиз ҳазинасини ўқиб-ўрганиш, тарғиб этиш, номини абадийлаштириш борасидаги хайрли ишлар бугун нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ақдиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилаётган фикрлар, ҳаётга татбиқ қилинаётган ташаббусларда ҳам бу ўз аксини топтоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти)нинг видеоанжуман шаклида ўтган норасмий саммитида иштирок этиб, буюк бобокалонимизнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган бекиёс ҳиссасини инобатга олган ҳолда фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустақкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этганди. Бу тақлиф саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди ва орадан кўп ўтмай Туркий давлатлар ташкилотининг 2021 йил 12 ноябрда Истанбул шаҳрида ўтказилган VIII саммитида ушбу нуфузли халқаро мукофот таъсис қилинди.

Мазкур мукофот бутун туркий дунёда жуда илиқ қутиб олинди. Зотан, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири номи, бебаҳо мероси, беназир фаолияти жаҳон аҳли, хусусан, туркий қардош халқлар учун ҳам фахр-ифтихор ва ибрат тисмолидир.

Яқинда Қирғиз Республикасининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишида туркиялик машҳур кимёгар олим, Нобель мукофоти совриндори Азиз Санжар Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлди.

Нуфузли мукофот соҳибини унинг қувонч ва фахр-ифтихор туйғуларини телефон орқали қуйидагича баён этди:

— Замонамизнинг доминшанд давлат арбоби, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таъсис этилган Алишер Навоий мукофотига муносиб топишганимдан жуда мамнунман. Дунёнинг энг буюк шоири ва мутафаккирининг муборак номи билан аталган мукофот мен учун Нобель мукофоти каби азиз ва қадрли. Шу билан бирга, бу юксак эътироф зиммамга буюк даҳога муносиб бўлишдек улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон — дунёда икки бор Ўйғоник даврини бошидан ўтказган, бебаҳо маданий ва маърифий меросга эга замин. Бу қадимий ва навқирон юрт бугун учинчи Ренессанс пойдеворини тикламоқда. Бу йўлда сиз, қардошларимга муваффақиятлар тилайман ҳамда бутун туркий дунё қирғири мен ҳам ҳаммаш ёнингизда эканимни ҳамда мамлакатимизнинг дадил қадамларини қўллаб-қувватлашимни билдираман.

Ота юртимиз — Ўзбекистон гуллаб-яшнасин ва доимо бор бўлсин!

«Халқ сўзи».

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда Азиз Санжар Ўзбекистонга бир неча бор келди. У пойтахтимиз ва вилоятлардаги қатор олийгоҳлар ҳамда илмий муассасаларда талабаларга қизиқарли маърузалар ўқиб, ўз билим ва маҳоратини, тажрибасини навқирон авлод вакилларига улашиб келмоқда.

Атоқли олим интервьюларининг бирида “Ўзбекистон — менинг ҳам Ватаним”, дея эътироф этган эди. Шу маънода, бу инсоннинг эришган муваффақиятлари бугунги авлодларнинг Алишер Навоий каби улғу аждодларимизга муносиб бўлишга интилайтгани ифодасидир.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«ГАРАНТ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АКЦИЯДОРЛАР
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШINI МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кун тартиби:

- Банк акциядорлари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
- Акциядорлар умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида;
- Банк Бошқаруви раисини тасдиқлаш тўғрисида;
- Кузатув кенгаши аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва янги аъзоларни сайлаш тўғрисида;
- Эълон қилинган акциялар миқ-

дорини белгилаш ҳамда уставга киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш тўғрисида;

- Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш ва хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида;
- Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш (янги тахрирда) тўғрисида;
- Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш (янги тахрирда) тўғрисида.

Йиғилиш 2024 йил 6 декабрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уйда ўтказилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2024 йил 2 декабрь кунги ҳолатига тузилади.

Йиғилиш қатнашчилари 2024 йил 6 декабрь кунини соат 10:00 дан 10:45 га қадар рўйхатга олинади.

Акциядорлар умумий йиғилишга

доир материаллар билан Тошкент шаҳри, С. Барака кўчаси, 78-уйда жойлашган “Гарант банк”нинг бош офисида танишиши мумкин.

Электрон почта манзили: info.garantbank@uz, веб-сайт: www.garantbank.uz

Акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан келиши сўралади.

Маълумот учун телефон: 71-256-41-55.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

2025 йилда Ўзбекистонда 32 мингта электромобилни қувватлаш станцияси ўрнатилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатли маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобоенов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши